

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА НАЗОФЕРОН®

Препаратнинг савдо номи: Назоферон®

Таъсир этувчи модда (ХПН): Альфа-2b интерферони (interferon alfa-2b)

Дори шакли: назал спрей 100000 ХБ/мл

Таркиби:

1 мл спрей куйидагиларни сақлайди:

фаол модда: одамнинг рекомбинант альфа-2b интерферони 100000 ХБ/мл;

ёрдамчи моддалар: трометамол, трометамол гидрохлориди, гипромеллоза, динатрий эдетати, лизин гидрохлориди, калий хлориди, метилпарагидроксибензоати (Е 218), тозаланган сув.

Таърифи: тиниқ рангсиз суюқлик.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Иммуномодуляторлар ва ўсмага қарши препаратлар. Иммуностимуляторлар. Интерферонлар. Альфа-2b интерферони

АТХ коди: L03AB05

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

НАЗОФЕРОН® – вирусларга қарши, микробларга қарши, яллиғланишга қарши, иммуномодулятор, антипролифератив воситадир. Интерфероннинг биологик таъсири куйидаги самаралари билан ҳарактерланади: вирусларга қарши самараси – вирусларнинг транскрипция ва трансляция жараёнларига ингибиция қилувчи таъсири ҳисобига (аденовируслар, грипп вируслари) уларнинг репликациясини сусайтиради; антипролифератив самараси - хужайралар (кўпчилик ДНК- ва РНК-сақловчи вируслар) кўпайишини сусайтиради. Интерферон вируслардаги трансляция жараёнини кучайтирувчи инициация қилувчи омиллардан бирини фосфорланиши туфайли, ушбу жараёнга тўсқинлик қиладиган специфик фермент – протеинкиназа синтезини инициация қилади; вирусларнинг матрица РНК ни шикастлайдиган специфик рибонуклеазани фаоллаштиради. Интерфероннинг самараларига шунингдек: бошқа цитокинлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш, специфик ферментларни индукция қилиш, хужайралар пролиферациясини сусайтириш, иммунитетни модуляция қилиш (нишон хужайраларига нисбатан лимфоцитларнинг специфик цитотоксиклигини ва макрофагларнинг фагоцитар фаоллигини кучайтириш) киради. Интерферон иммунитетни медиатори ҳисобланади, тўқималарга нисбатан спецификликка эга, интерферон инфекцион касалликларнинг кўзгатувчиларидан организмни химоя қилади.

Фармакокинетикаси

Ўрганилмаган.

Қўлланилиши

1 ёшдан бошлаб болаларда ва катталарда ўткир респиратор вирусли инфекцияларни (ЎРВИ) олдини олиш ва даволашда:

- юқори нафас йўллариининг касалликлари билан узоқ вақт ва тез-тез ҳасталанадиган пациентларда;
- ЎРВИ билан ҳасталанган беморлар билан контактда бўлганда;
- совуқ қотганда;

- уюшган жамоаларда (болалар ва катталар жамоалари), “хавф” гуруҳига кирувчи контингентлар – тиббий ходимлар, ўқитувчилар, айниқса эпидемия вақтида мавсумий касалликлар билан касалланиш ошганида қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

1 спрей-доза = дозаторни бир марта қисқа босишдан иборат.

ЎРВИ касаллигининг биринчи белгилари пайдо бўлганида (5 кун давомида)

1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларга – ҳар бир бурун йўлига 2 спрей-дозадан суткада 3-4 марта (бир марталик дозаси – 20000 ХБ, суткалик дозаси – 60000-80000 ХБ) пуркаш буюрилади;

3 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларга – ҳар бир бурун йўлига 2 спрей-дозадан суткада 4-5 марта (бир марталик дозаси – 20000 ХБ, суткалик дозаси – 80000-100000 ХБ) пуркаш буюрилади;

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга – ҳар бир бурун йўлига 2 спрей-дозадан суткада 5-6 марта (бир марталик дозаси – 20000 ХБ, суткалик дозаси – 100000-120000 ХБ) пуркаш буюрилади;

Катталарга – ҳар бир бурун йўлига 3 спрей-дозадан суткада 5-6 марта (бир марталик дозаси – 30000 ХБ, суткалик дозаси – 150000-180000 ХБ) пуркаш буюрилади.

Респиратор вирусли инфекцияларни олдини олиш учун

Беморлар билан контактда бўлганда ва совуқ қотганда – ёшга мувофиқ дозада суткада 2 марта 5-7 кун давомида қўлланади. Зарурат бўлганида профилактик даволаш курсларини такрорланади. Бир марта контактда бўлганда бир марта пуркаш етарлидир.

Мавсумий касалликлар билан касалланиш сони ошганида – ёшга мувофиқ дозада эрталаб бир марта 1-2 кунлик интервал билан пуркалади.

Назал спрейни ишлатиш схемаси:

1. Флакондан ҳимоя қалпоқчасини ечиш керак.
2. Пуркагич босишлар ёрдамида фаоллаштирилади (синама учун пуркаш).
3. Вертикал ҳолатда туриб, флаконнинг учлигини ҳар бир бурун йўлига навбатма-навбат жойлаштириш ва насос-дозаторга босиш керак.
4. Сепилгандан сўнг флаконнинг қалпоқчаси ёпилади.



Ножўя таъсирлари

Якка ҳолларда – терида тошма пайдо бўлади.

Ноҳуш реакциялар пайдо бўлган ҳолларда шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Альфа-2b интерферонга ва препаратнинг таркибига кирувчи бошқа компонентларга юқори сезувчанликда, анамнезида аллергия касалликларнинг оғир шаклларида қўллаш мумкин эмас. Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Интраназал қон-томирларни торайтирувчи препаратларни бир вақтда қўллаш тавсия этилмайди, чунки улар бурун шиллиқ қаватини қуришига олиб келади.

Махсус кўрсатмалар

Препарат метилпарагидроксибензоатни сақлайди, у аллергия реакцияларни, жумладан кечиктирилган, алоҳида ҳолатларда бронхоспазмни чақириши мумкин.

Препаратни ўрамнинг бутунлиги ва маркировкаси бузилган ҳолатларда, суюқликнинг физикавий хусусиятлари (суюқликнинг ранги ёки тиниқлиги) ўзгарганида ва яроқлилик муддати тугаганидан сўнг қўллаш мумкин эмас.

Инфекцияни тарқалмаслигидан сақланиш учун индивидуал ишлатиш тавсия этилади.

Болалар ёшида қўллашга чекловлар

НАЗОФЕРОН® назал спрейни 1 ёшдан катта болаларда қўлланади.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланиши

Препаратни қўллаш мумкин эмас.

Автомобилни ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири

Таъсир қилмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Ўрганилмаган.

Чиқарилиш шакли

5 мл дан бурунга пуркаш учун насос-дозатори билан ёруғликдан химояланган флаконларда.

1 флакондан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон пачкага жойлаштирилади.

Сақлаш шароити

2 °C дан 8 °C гача бўлган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати

2 йил.

Флакон очгандан сўнг сақлаш шароити 2 °C дан 8 °C гача бўлган ҳароратда яроқлилик муддати (совутгичда) - 10 сутка.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати тугаганидан кейин препаратни ишлатманг.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи:

«Фармак» АЖ Украина, 04080, Киев ш., Кирилловская кўчаси, 63.

Ишлаб чиқарувчининг жойлашган жойи ва фаолият кўрсатаётган жойнинг манзили
Украина, 04080, Киев ш., Кирилловская кўчаси, 74.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларнинг сифати бўйича эътирозлар (таклифларни) қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

"Фармак" АЖ нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси.

100170 Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек тумани, Зиёлилар кўч.12а,
1/2

e-mail: info@farmak.ua Тел.: +998 (55) 512-77-13